



Konrad
-Adenauer-
Fondi



Konrad
-Adenauer-
Stiftung

ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДА ҲУҚУҚНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШИ

ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ ПРАВА НА ТЕРРИТОРИИ УЗБЕКИСТАНА



Тошкент Давлат юридик институти
ва Конрад Аденауэр жамғармаси
ташkil этган илмий семинар
материаллари

Материалы научного
семинара, организованного
Фондом имени Конрада Аденауэра
и Ташкентским Государственным
юридическим институтом

АДОЛАТ-2007

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ҲУҚУҚНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШИ

*(Айрим ҳуқуқ соҳаларининг ривожланиш
босқичлари ва ўзига хослиги)*

**Тошкент Давлат юридик институти ва
Конрад Аденауэр жамғармаси ташкил этган
семинар материаллари**

(Тошкент ш., 2006 йил 27 ва 28 март)

**Тошкент
«Адолат»
2007**

Ўзбекистон ҳудудида ҳуқуқнинг тарихий ривожланиши.
(Айрим ҳуқуқ соҳаларининг ривожланиш босқичлари ва ўзига хослиги): Тошкент Давлат юридик институти ва Конрад Аденауэр жамғармаси ташкил этган семинар материаллари (Т., 2006 йил 27-28 март) /Маъсул муҳаррирлар: Ф. Абдумажидов, А. Эгамбердиев. - Т.: «Адолат» нашриёти, 2007. - 266 б.

ББК 67.3 (5У)

Маъсул муҳаррирлар:

Ф.Абдумажидов — Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор.

А.У.Эгамбердиев — Ҳуқуқшунос, ҳуқуқ магистри.

Ушбу тўплам Ўзбекистон ҳудудида ҳуқуқнинг вужудга келиши ва ривожланишининг тарихий манбаларига ҳамда мустақилликдан кейинги даврда республика ҳуқуқ соҳалари, давлат ва ижтимоий-ҳуқуқий институтлар эришган ютуқларга бағишланган материаллардан иборат.

Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчи ва магистрларининг маърузаларида минтақадаги ҳуқуқнинг тарихий ривожланишдаги ўзига хослиги Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ ва қонунчилик соҳаларида эришилган ютуқлар акс эттирилган.

Мазкур нашр Конрад Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиё, Қозоғистон ва Жанубий Кавказ бўйича вакилиги ҳамкорлигида амалга оширилди.

к $\frac{1201000000-002}{(04)-2007}$ —2007

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Адолат» нашриёти, 2007 йил.

ISBN 978-9943-332-05-8

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ҲУҚУҚНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШИ

*(Айрим ҳуқуқ соҳаларининг ривожланиш
босқичлари ва ўзига хослиги)*

мавзусидаги семинар
материаллари

(Тошкент ш., 2006 йил 27 ва 28 март)

**Семинар
раҳбарлари:**

Проф. Мирзаюсуф Рустамбоев
Тошкент Давлат юридик институти
ректори, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлис сенатори

Ханс Кайзер
Конрад Аденауэр жамғармасининг
Марказий Осиё, Қозоғистон ва
Жанубий Кавказ бўйича вакили

Модераторлар:

Катрин Наглер
Конрад Аденауэр жамғармасининг
Марказий Осиё, Қозоғистон ва Жанубий
Кавказ бўйича вакили ўринбосари

Азамат Эгамбердиев
Тошкент Давлат юридик институти
магистранти.

МУНДАРИЖА

Тошкент Давлат юридик институти ректори проф. М.Х.Рустамбоевнинг кириш сўзи	5
И. Кудрявцев Минтақада ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият шаклланишининг ўзига хослиги	7
А. Худойбердиева Парламент ҳуқуқи тараққиётининг босқичлари	12
Ғ. Абдумажидов Ўзбекистон ҳудудида жиноий-ҳуқуқий тафаккурнинг ривожланишидан лавҳалар	23
К. Абдурасулова Жиноий жазо институти тарихидан	27
А. Алламуратов Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг ташқил этилиши	31
А. Эгамбердиев Минтақада суд тизимининг шаклланиши ва ривожланиши	34
У. Тўхташева Ўзбекистон жиноят процессида апелляция иш юритуви- нинг келиб чиқиши ва ривожланиши	42
Х. Айтниязова Жиноят ҳуқуқининг тараққиёт тарихидан	51
Ш. Мирзаев Жиноят таркибининг ўзгарувчанлиги	60
Ш. Абдуллаева Олий жазо сифатида ўлим жазоси тарихи	63
Ғ. Абдумажидов Ўзбекистонда адвокатура тараққиёти	70
С. Ғуломов Саноат мулки ҳуқуқининг тарихий тараққиёти	77
Г. Алеулова Ўзбекистонда мулк ҳуқуқи тараққиёти тарихи	86
С. Марипова Турар жойни хусусийлаштириш Ўзбекистон Республикасида хусусий мулк шаклланишининг босқичларидан бири сифатида	95
Т. Тўрабеков Ўзбекистонда нотижорат ташкилотлар тараққиёти тарихидан	104
Д. Валеев Ўзбекистонда корпоратив муносабатларнинг вужудга келиши ва ривожланиши босқичлари	111
Х. Хатамова Ўзбекистон Республикасида ҳакамлик судлари тўғрисидаги қонунчилик тараққиёти	117

ИЛОВАЛАР:

Изоҳлар	126
Муаллифлар хақида маълумотлар	132

С. Фуломов

САНОАТ МУЛКИ ҲУҚУКИНИНГ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТИ

Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги замон иқтисодий ҳаёти ва ҳўжалик айланмасида интеллектуал мулкнинг ўрни ўзгарди ва ўзгариб бормоқда. Бу Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан содир бўлмоқда. Бу сифат жиҳатдан янги вазифаларнинг қўйилиши ва ҳал этилишига алоҳида эътиборни талаб этади. Шу жумлага ақлий фаолият натижаларининг ҳўжалик айланмасидаги тижорий бошланмасининг қонуний мустаҳкамланиши ҳам киради.

Саноат мулки ҳуқуқи институти тараққиёти босқичлари, ҳаммадан аввал, муайян мамлакатнинг иқтисодий шароитлари ва ҳуқуқий анъаналари билан тушунтирилади ҳамда шу билан боғлиқ. Ўзбекистон ҳам ушбу муносабатлардан мустасно эмас.

Интеллектуал мулкнинг муҳофазаси алоҳида мамлакатлар-

да халқаро тизим пайдо бўлишидан анча илгари ривожлана бошлаган⁶⁷. Ҳали XIII асрдаёқ европалик давлатлар ким янги маҳсулотлар ишлаб чиқарса, у маҳсулот ўз кашфиёти асосида ёки хорижий ҳамкорлар билан бирга ишлаб чиқарилганидан қатъи назар, унга махсус имтиёзлар берганлар. Аввалги эркин берилган бундай имтиёзлар тобора қонунийлашиб борган. Бу соҳадаги энг муҳим ҳужжатлар сирасига 1474 йилдаги Венеция Республикаси мақомини ва инглизларнинг монополия тўғрисидаги 1628 йилдаги қонунни киритиш мумкин⁶⁸. XIX аср бошларида АҚШ ва қатор Европа мамлакатларида аллақачон етарли даражада ривожланган патент қонунчилиги мавжуд эдики, у энди хусусий имтиёзлар беришга эмас, балки янгилик яратганлиги ҳақидаги ҳужжатни тўлғазган ҳар қандай шахсга имтиёз беришга асосланган эди.

Ўзбекистон патент тизими совет патент андозаларида шакллана бошлади. Совет даврининг ихтирочилик соҳасидаги биринчи қонунчилик ҳужжати 1919 йил 30 июндаги Декрет бўлиб, ихтиролар тўғрисидаги Низом шу ҳужжат асосида тасдиқланган⁶⁹. Ихтироларни қўриқлаш патент тизими тугатилган. Ихтиро ишлари Комитети томонидан фойдали деб топилган ҳар қандай ихтирони ўз тасарруфига олишлик ҳуқуқи давлатга берилган. РСФСР қадрияти сифатида эълон қилинган ихтиролар, мудофаа соҳасига тааллуқли ёки мамлакат учун ўта махфий ихтиролар бундан мустасно, ҳар бир алоҳида ҳолатда келишилган шарт билан барча фуқаролар ва ташкилотлар тасарруфига тушган. Бундай ихтиро муаллифнинг муаллифлик ҳуқуқи тан олинганлиги ва ҳимоя қилинганлиги, шунингдек, унинг мукофотланишга ҳуқуқи махсус ҳимоя ҳужжати — муаллифлик гувоҳнамаси билан кафолатланган. Миқдорини Комитетнинг махсус баҳоловчи комиссияси белгилайдиган мукофот солиққа тортишга жалб қилинмайдиган алоҳида мукофотлар тоифасига кирарди. Ҳатто, 30 йиллар юридик адабиётларида таъкидланганки, бу мукофот жуда арзимаган нарса бўлиб, кўп муаллифлар ўз ихтиролари национализация қилиниш хавфига учрашини истамай, унинг, ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши учун чора кўрмаганлар⁷⁰.

Декретда “ихтиро” тушунчасининг ўзи очилмаган, бироқ унинг нормалари таҳлили кўрсатадики, унинг қай даражада янги бўлишидан қатъи назар, ҳар қандай техник янгилик ихтиро сифатида эътироф этилиши мумкин. Биринчи жаҳон уруши ва фуқаролар уруши томонидан ғорат қилинган ҳўжалик янги

иқтисодий сиёсатга ўтишни тақозо этган эди, бу эса маълум даражада бозор муносабатларини вужудга келтирди. Кўриб чиқилган соҳаларда янги иқтисодий сиёсат иттифоқдош республикаларни, шу жумладан, Ўзбекистонни жанубий европаликларга мос келадиган ихтирочилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қайтарди. 1924 йил 12 сентябрда СССР МИКи ихтиро учун патент тўғрисида Низом қабул қилди⁷¹, унга биноан патент ихтирочилик ҳуқуқи ҳимоясининг ягона шаклига айланди⁷². Кўрсатилган қонун белгиладики, патент саноатда фойдаланиш учун қўйиладиган янги ихтироларга берилади⁷³. Патент ҳимояси тиббий, озиқ-овқат ва лаззатли моддаларга, шунингдек, кимё йўли билан олинган моддаларга, гарчи уларни тайёрлашнинг янги усуллари патентланиши мумкин бўлса ҳам, қўлланилмас эди. Ихтиро учун патент 15 йилга бериларди, эркин узоқлашиши, патент эгасининг хоҳишига кўра фойдаланиш учун учинчи шахсга ҳам берилиши мумкин эди. Бироқ давлат, шундай ҳуқуқни ўзига қолдирдики, патент эгаси билан ихтиёрий келишувга эришиши имконияти бўлмаганида, патентни мажбурий равишда ўзига олиши ёки ташкилот ва муассасаларнинг эҳтиёжига қараб, мажбурий лицензия ўрнатиши, патент эгасига тегишлича мукофот бериши мумкин эди.

Патент наслдан наслга берилиши мумкин эди, зотан у мерос мулкига кирмас эди. Бу ўзида муҳим имтиёзни ифodalарди, зеро ўша даврнинг амалдаги фуқаролик қонунчилиги мерос миқдорини 10 минг рубл олтин билан чегаралаган эди.

Советларгача бўлган патент амалиётини тиклаш тўғрисидаги қарор катта мафкуравий моҳиятга эга эди⁷⁴. Патентлар тўғрисидаги қонуннинг амалга киритилиши ҳақидаги қарор, бир томондан, Октябрь инқилобигача берилган ҳамма патентлар бекор бўлганини эълон қилса (2-м), бошқа томондан, уларнинг тикланиш имкониятларини ҳам назарда тутарди. (3-4-м). Бунинг учун советларгача бўлган патент эгаларига патент ҳақидаги қонун чиққанидан бошлаб бир йил мобайнида ихтиролар иши бўйича Комитетга совет даврида олган патентига мутаносиб патент сўраб мурожаат қилишлари ҳуқуқи берилди. Ушбу норманинг амалий аҳамияти катта эмас эди, чунки янги патент 15 йилга эмас, балки патент эгаси фўйдаланган муддат ҳисобдан чиқариб ташланиб, қолган муддатгагина бериларди, холос. Умуман эса, мутахассисларнинг баҳоларига кўра, патент тўғрисидаги 1924 йилдаги қонун ўша давр хорижий патент қонунларининг илғор намуналарига яқин эди.

Патентлар тўғрисидаги қонун билан айна бир пайтда СССР СНК ва МИКининг 1924 йил 12 октябрда “Саноат намуналари (сурат ва моделлар) тўғрисида”ги қарори қабул қилинди⁷⁴. Кўрсатилган қонуннинг 1-моддасига биноан, қўриқланадиган саноат намуналарига қуйидагилар киради: 1) Кўриниши ва шаклига кўра янги бадий — саноат суратлари, улар шунга мувофиқ буюмлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган; 2) кўриниши, шакли, қурилиши ва жойлашишига кўра янги қисмли моделлар, саноат, ҳунармандчилик ишлаб чиқариши, савдо, косиблик, уй-рўзғор ва умуман, ҳамма иш учун мўлжалланган. Шундай қилиб, саноат намунаси кўринишидаги моделда ихтирога жуда яқин объект тушунилган. Янги техник ечим яратувчисига ўз ихтиёри билан ихтиро ёки намунага буюртма бериш ҳуқуқи тасодифан берилмаган. Боз устига, ихтиро учун патент берилишига рад жавоб олиб, буюрматчи, ўз приоритетини сақлаган ҳолда, тегишли намуна учун ҳуқуқи мустақамланишини сўраши мумкин эди. (29-30-м). Патент эгасининг саноат намунасига ҳуқуқи, уларни қўлга киритишида қандай бўлса, улардан амалда фойдаланишда ҳам, патент эгасининг ихтирога ҳуқуқига ўхшаган бўлган. Улар буюртмачига саноат намунаси учун махсус гувоҳнома берилиши билан тасдиқланган ва уч йил муддатда амалда бўлган, кейинчалик муҳлат икки марта 3-4 йилга узайтирилган. Саноат намунасига бўлган ҳуқуққа хилоф фаолият, ҳудди патент эгасининг ихтиро ҳуқуқига хилоф иш каби, зарарларни қоплаш, шунингдек, жиноий жазони келтириб чиқарган⁷⁵.

Янги иқтисодий сиёсат билан марказлашган буйруқбозлик иқтисодиётига ўтилишининг ўралиши юқорида кўриб чиқилган икки қонуннинг тақдирини ҳал этди. Ихтиро учун патент олиш ҳақидаги қонун 1931 йилдаёқ ихтиролар ва техник такомиллаштиришлар тўғрисидаги Низом билан алмаштирилган эди⁷⁶. Ушбу норматив ҳужжатнинг кириш қисмида айтилган эдики: “шу пайтгача амал қилган, ихтирочи манфаатларини унинг ихтиро ҳуқуқини таъминлаш йўли билан қўриқлайдиган патент қонунчилиги аллақачон илғор ихтирочилар — социалистик жамиятнинг онгли қурувчилари —интилишларига жавоб бермай қўйган”. 1931 йилги қонун 1919 йил Декрети билан киритилган муаллифлик гувоҳномаси ихтирочилик ҳуқуқининг асосий ҳимоя шакли эканлигини қайтадан яратди. Тўғри, 1919 йилги Декретдан фарқли равишда ихтирочи ҳуқуқи анча тўлиқ ва аниқ характер касб этди, ҳимоянинг патент

шакли эса тўлиқ янгиланмади⁷⁷. Бундан ташқари, айрим истиснолар билан, ихтирочига формал равишда унинг ҳуқуқи ҳимояларининг шакллари танлаш эркинлиги бериларди.

Бироқ, 1931 йилги Низом ва унинг ривожини учун қабул қилинган қонун ости ҳужжатлари шунга ҳеч қандай шубҳа қолдирмасдики, давлат биринчи навбатда шундай муаллифларни рағбатлантирган ва қўллаб-қувватлаганки, ўзларининг махсус ҳуқуқларини ихтироларидан давлат фойдаланиши учун қурбон қилганлар. Бундан ташқари, патентни олгач, унинг эгаси, моҳиятда, амалда унинг афзалликларидан фойдаланиш имкониятига эга эмас эди. Чунки, хусусий тадбиркорлик бекор қилинган, патент ёки лицензияни давлат ташкилоти ёки муассаси орқали амалга ошириш истиқболи эса мавҳум характерга эга эди. Шунинг учун, келгусида муаллифлик ҳуқуқи, ихтирочига қандайдир ҳуқуқ ва имтиёзлар берар экан, 1931 йилдан ихтирочи ҳуқуқи ҳимоясининг ягона амалий шаклига айланди. У тақдим этилган техник ечим ихтиро сифатида эътироф этилганлигидан гувоҳлик берарди, ихтирочининг приоритети ва унинг ихтирога муаллифлигини тасдиқларди, шунингдек, амалдаги қонунчиликда ўрнатилганидек, ихтирочига ҳуқуқ ва имтиёзлар беришга асос бўларди. Мукофотни ихтирочига унинг ихтиросидан фойдаланган, муайян ташкилотлар тўламас эди, балки ихтирочилик бўйича тармоқ органлари йиллик иқтисодиётга ихтиро келтирган даромад ўлчовига қараб бўларди. Йиллик иқтисодиёт сарҳисобида мукофотлаш фоизи 20% ни йиллик иқтисод ҳисобидан 1 мингдан 5 минг рублгачани ташкил этарди ҳамда 2% гача, йиллик иқтисод ҳисобида 500 мингдан 1 млн. Рубл ва ундан кўпроқ пасаярди.

1924 йилги саноат намуналари ҳақидаги қонун 1936 йилда бекор қилинди⁷⁸. Унинг ўрнини босувчи бирор-бир ҳужжат қабул қилинмади. Саноат чизмалари ҳимояси муаллифлик ҳуқуқи қонучилиги доирасида амалга оширилди; янги моделлар эса ўз асосий оқимида “техник такомиллаштириш” тушунчаси остида киритилди. У қонунчиликка 1931 йилда ҳуқуқий ҳимоянинг асосий объектини билдириш учун киритилган эди.

Кейинги йилларда ихтиролар тўғрисидаги қонунчилик моҳиятан яна уч марта — 1941, 1959 ва 1973 йилларда кўриб чиқилди. Умуман олганда, ихтирочилар ҳуқуқлари ҳимоясининг мумкин бўлган икки шаклини (муаллифлик гувоҳномаси ва патент) назарда тутиб, улар ягона принципиал асосга эга эдилар; буюртмалар экспертизасининг текширув тизими, ихти-

ролар хорижда патентлаштирилишига рухсат бериш тартиби, давлат томонидан патентни мажбурий равишда сотиб олиш имконияти ва ҳ.к. Ўзгаришлар, асосан, ихтиронинг ҳимояга лаёқатлилиқ мезонларини аниқлашга, ихтиро муаллифларига тақдим этилган ҳуқуқ доираси, буюртмалар экспертизасини ўтказиш тартиби ва ҳ.к.ларга тааллуқли эди. Объектлар доираси, хусусан, тирик организмлар ва биологик ашёларга доир муносабатларда жиддий ўзгаришлар йўқ эди. Саноат намуналари ҳимояси интеллектуал мулкнинг мустақил объектлари сифатида фақат 1965 йилдагина, СССРнинг саноат мулки ҳимояси бўйича Париж конвенциясига қўшилиши муносабати билан янгиланди. 1965 йил 9 июнда СССР Министрлар Совети “Саноат намуналари тўғрисида”⁷⁹ қарор қабул қилди, Патент идораси эса саноат намуналари тўғрисидаги Низомни тасдиқлади. Саноат намуналари сифатида саноат йўли билан тайёрлашга яроқли янги, ташқи кўриниши саноат буюмини ифодалаган, моҳиятида техник ва эстетик сифатлар бирлигига эришилган бадийий ечимлар ҳимояланарди. Бадийий ечимнинг саноат намунаси сифатида эътироф этилиши учун 1965 йилги Низом бўйича унинг маҳаллий янгилиги, яъни СССР миқёсидаги янгилиги кифоя эди. Бундан ташқари, ҳуқуқий ҳимояга ташқи жиҳатдан кўплаб енгил саноат буюмлари, хусусан, атторлик моллари, тикиш саноати ва тўқимачилиқ ишлаб чиқарилиши, пойафзал, бош кийимлари ва ҳ.к.лар мансуб деб топилмасди. Низом саноат намуналари ҳимоясининг икки шаклини тақдим этарди — гувоҳнома ва патент. Сўнггиси беш йилга бериларди ва яна беш йилга чўздирилиши мумкин эди.

1981 йил 8 июлда СССР Министрлар Совети саноат намуналари тўғрисидаги янги Низомни тасдиқлади, қайсики жаҳон андозаларига яқинлашган, анча такомиллашган қоидаларни мужассамлаштирган эди. Жумладан, саноат намунасига дунё миқёсидаги янгилик талаби қўйилди, енгил саноат маҳсулотларининг ташқи кўриниши ҳимоя остига олинди, саноат намунаси учун бериладиган патент муддати 10 йилга йириклаштирилди ва ҳ.к. Совет ихтирочилиги ҳуқуқи ислохотлари муаммолари, айниқса, ихтирочилиқ муносабатларини бошқариш” даражасини кўтариш тўғрисидаги масала ҳуқуқий адабиётларда ва матбуот саҳифаларида 80-йилларнинг бошларида фаол муҳокама этила бошлади. Кўпчилик мутахассислар ихтироларни қўриқлаш тўғрисида махсус қонун қабул қилиш тушунчасига доир фикр билдирдилар. 80-йилларнинг ўрталарида тез фур-

сатда шундай қонун қабул қилиниши кутилди. Мамлакатда бошланган қайта қуриш ўз тузатишларини киритди. Ислохотлар шунини аниқ ёритдики, тайёрланган лойиҳа замонавий талабларга жавоб бермайди, чунки жузъий такомиллаштиришлардан нарига ўтмайди. 80 йилларнинг охирида, йил оралатиб, икки янги қонун лойиҳаси тайёрланди ва умумхалқ муҳокамасига олиб чиқилдики, улар бозор иқтисодиёти шароитларига анча яқинлаштирилган эди.

“СССР ихтиролари тўғрисида”ги янги қонун 1991 йил 31 майда қабул қилинди, деярли бир вақтда “Саноат намуналари тўғрисида”ги СССР қонуни 1991 йил 10 июлда қабул қилинди. Бироқ воқеликда улар амалга кира олмадилар.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритиши билан ўз миллий патент қонунчилигини яратиш йўлидан борди. Ушбу маносабатларда муайян даражада кўзланган мақсадларга эришилди, деб ҳисоблаш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи ва иккинчи қисмлари, интеллектуал фаолиятнинг турли натижаларини қўриқлашга қаратилган қонунлар мажмуаси қабул қилиниши билан, бутун цивилизациялашган дунёда қабул қилинган саноат мулки объектларини ҳимоялашнинг патент ҳуқуқий шакли тикланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 42-моддасида ҳар бир фуқаронинг илмий, техник ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ЎзР Конституцияси 56-моддасига мувофиқ, қонуний тартибда шакллантирилган ва рўйхатга олинган олимлар жамиятига, ижодий уюшмаларга бирлашишлари мумкин.

Саноат мулки объектларидан фойдаланиш ва уларни қўриқлаш билан боғлиқ муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи бошқаруви предметига киради. Патент ҳуқуқи манбалари тизимини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси бошқаради. 2-қисми, 4-бўлими, 62-бобида мужассамлашган мезон саноат мулки объектлари муносабатларига доир умумий масалаларни бошқаради. (Ихтиролар, саноат намунаси, фойдали модел). 1994 йил 6 майда “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Қонун ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари яратилиши, ҳуқуқий ҳимояси, тасарруф этилиши билан боғлиқ равишда келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солди. Ушбу

қонунга 1997 йил 26 декабрда ўзгартиришлар киритилди. “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни Янги таҳрирда 2002 йил 29 августда тасдиқланди. Ундаги ўзгартириш ва қўшимчаларда халқаро ҳуқуқ нормалари эътиборга олинган.

Саноат мулки соҳасидаги муносабатларни бошқарувчи давлат органи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат Патент идорасидир.

Патент ҳуқуқининг муҳим манбалар гуруҳини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари ва Идоравий ҳужжатлар ташкил этади. Ўзбекистон ҳукумати қарорлари орасидан патент муносабатларини бошқарувчи қуйидагиларини ажратиш мумкин: “Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 июндаги 209-қарори; “Патент божлари ва патент божларининг миқдори тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида” — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 октябрдаги 357-қарори; “Патентнинг ишончилиги тўғрисидаги Низом” — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил, 1 июлдаги 298-қарорига 2-илова.

Идоравий ҳужжатлар сирасига Давлат патент идорасининг қуйидагидек ҳужжатлари киради: Ўзбекистон Республикасида ихтиро учун бериладиган патентга тушган буюртмаларни тузиш, тақдим этиш ва кўриб чиқиш қоидалари; Ўзбекистон Республикаси патентини фойдали модел учун беришга доир буюртмаларни тузиш, тақдим этиш ва кўриб чиқиш қоидалари; Ўзбекистон Республикаси патентини саноат намунаси учун беришга доир буюртмаларни тузиш, тақдим этиш ва кўриб чиқиш қоидалари; ихтирога, фойдали моделга, саноат намунасига, селекция ютуқларига, буюм белгиси, улардан фойдаланиш учун лицензия шартномалари ва хизмат белгилари, интеграл микросхема топологияси ҳуқуқининг қисман ва тўлиқ электрон ҳисоблаш машинаси дастури ва маълумотлар базаси бағишланиши ва ҳ.к. шартномаларни рўйхатга олиш қоидалари.

Саноат мулки объектларини ҳуқуқий бошқариш таркиби ва манбалари ҳам ўзида шундай халқаро шартнома ва битимларни мужассамлаштиради. Ўзбекистон Республикаси патентлаштириш соҳасида қуйидаги халқаро битимларнинг иштирокчиси саналади: саноат мулки ҳимояси бўйича Париж конвенцияси (1883 й); Патент кооперацияси тўғрисида шартнома

(“РСТ”); Патент тартиботи мақсадлари учун микроорганизмларни депонентлаштиришни халқаро этироф этиш тўғрисидаги Будапешт шартномаси (1977); Халқаро патент таснифоти тўғрисидаги Страсбург битими. Страсбург битими талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ихтиро фойдали моделлар учун патент ҳужжатларини тасниф этиш Халқаро Патент Таснифоти (МПК)дан фойдаланади. 2006 йилнинг 1 январидан бери МПКнинг 8 таҳрири амал қилади. Локарн битими талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси саноат намуналарига доир ҳимоя ҳужжатларини тасниф этиш учун Саноат Намуналари Халқаро Таснифоти (МКПО) дан фойдаланади ва расмий ҳужжатлар ҳамда публикацияларга Локарн таснифи рақамларини киритади, қайсики, унда саноат намуналари мансубдир. 2000 йилдан бери МКПОнинг 7 таҳрири амал қилади.

Саноат мулки ҳимояси бўйича Париж конвенцияси (1883 йил), маълумки, миллий патент қонунчиликларини уйғунлаштириш жараёнининг ҳуқуқий базаси ҳисобланади. Айнан Париж Конвенцияси асосида, кейинчалик саноат мулкининг турли навларини хорижда патентлашни бирхиллаштириш ва соддалаштиришга, ушбу мулк ҳуқуқига риоя қилинишини назорат этишга йўналтирилган халқаро битимлар тузилган.

Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси 10 дан ортиқ давлат Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан саноат мулки объектларини қўриқлаш ҳуқуқи соҳасида ҳамкорлик тўғрисида давлатлараро битим тузди: Европа Иттифоқи, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбойжон, Грузия, Украина, Корея, Хитой, Туркия ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасининг ВТО га кириш мақсадига мувофиқ, интеллектуал мулкнинг савдо ҳуқуқи аспекти буйича Битимга мос интеллектуал мулк соҳасида миллий қонунчиликни вужудга келтириш зарур. (Trade Related Aspects of intellectual property rights — Trips (ТРИПС)). ТРИПС битими Париж конвенцияси талабларини сўзсиз бажаришини тақозо этади, бироқ унинг мазмуни бу билан чегараланмайди ва қуйидагидек камчиликларни бартараф этиш сари олға бораверади: 1) миллий режим тўғрисида тўлиқ адекват эмас; 2) патент ҳимоясининг барча ихтиро типлари талабларига ожизлиги; 3) Конвенция мезонлари ижросига мажбур этувчи механизмнинг йўқлиги.

Юқорида кўрсатилган ҳолатлар шундан гувоҳлик берадики,

Ўзбекистон Республикасида саноат мулки ҳуқуқи ислохотлар жараёни давом этмоқда. Бироқ, бу саноат мулки ҳуқуқи билан боғлиқ барча муаммолар ҳал бўлаётганини билдирмайди. Чунки, саноат мулки объектлари ҳуқуқий ҳимояси объектлари доираси кенгайди, хусусан, панотехнологиянинг биотехнологиянинг ва ҳ.к. янги йўналишлари пайдо бўлди, саноат мулки объектлари бозорини шакллантириш масалалари кенгайди, уларни тижоратлаштириш ва ҳ.к. — Ўзбекистон Республикаси саноат мулки ҳуқуқи соҳасидаги ҳозирда мавжуд қонунчилигини келгусида махсус чуқур ўрганиб чиқиш ана шу муаммолар билан боғлиқдир.
